O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№35 (688) 2023 йил 2 май, сешанба
uzbunyodkor   t.me/uzbunyodkor   info@uzbunyodkor.uz   uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ИККИ ТОМОНЛАМА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан 1 май куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотида олий даражадаги келишувлар ва йирик кооперация лойиҳаларининг амалга оширилиши муҳокама қилинди.**

Суҳбат аввалида Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Президент Шавкат Мирзиёевни жорий йил 30 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича референдум муваффақиятли ўтказилгани билан дилдан қутлади.

Давлатимиз раҳбари, ўз навбатида, Қозоғистон етакчиси ва қардош халқини давлат байрами – Бирдамлик куни билан самимий табриклади.

Мулоқот чоғида давлат раҳбарларининг қарорларини ўз навбатида амалга ошириш, энг аввало, устувор тармоқлардаги кооперация дастурларини ишлаб чиқиш ва бажариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан ҳукуматларга Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши давомида қўшма лойиҳаларни жадаллаштириш юзасидан чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари бўлажак тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ТОВАР АЙИРБОШЛАШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ МУҲИМЛИГИНИ ҚАЙД ЭТДИЛАР

**1 май куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Конституция бўйича референдумнинг муваффақиятли натижалари ва ушбу тадбир юксак халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этилгани билан табриклади.**

Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Саноат кооперацияси бўйича йирик лойиҳаларни илгари суришда амалий натижаларга эришилаётгани таъкидланди.

Қардош халқларимизни яқинлаштиришда Ўш шаҳрида Бобур номидаги академик театрнинг янгиланган биноси очилгани ва Қўқон шаҳрида талабалар спартакиадаси ўтказилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Давлат раҳбарлари икки мамлакат оқсоқоллари ва ёшлари иштирокидаги Авлодлар мулоқотига пухта тайёргарлик кўриш бўйича топшириқ бердилар.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари, шу жумладан, жорий йилнинг июнь ойида Қирғизистонда ўтказиладиган кўп томонлама саммитга тайёргарлик юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**ЎзА.**

# КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МДҲНИНГ МУҲИМ ЎРНИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 май куни Конституция бўйича референдумни кузатувчилар миссияси бошчилигида мамлакатимизда бўлиб турган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бош котиби Сергей Лебедевни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари Ҳамдўстлик бош котиби ва миссия аъзоларига мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фаол ишлагани ҳамда референдумнинг бориши ва натижаларига юксак баҳо бергани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Нуфузли минтақавий ташкилот раҳбари, ўз навбатида, Ўзбекистон етакчиси ва кўп миллатли халқини референдум жараёнлари юксак халқаро талаблари ва стандартларига мувофиқ муваффақиятли ташкил этилгани билан дилдан қутлади.

Референдум якунлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва мамлакатимизда демократик янгиланишларни давом эттиришда муҳим босқич бўлишига ишонч билдирилди.

Учрашувда ўзаро манфаатли, энг аввало, савдо-иқтисодий, саноат ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда МДҲнинг муҳим ўрни қайд этилди. Ҳамдўстлик маконида инвестициялар жадал суръат билан ўсаётгани таъкидланди, жорий йилнинг апрель ойида Самарқанд шаҳрида ўтган Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлисининг самарали натижалари юқори баҳоланди.

Фаол гуманитар алмашинувларни бундан буён ҳам давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

# ШАҲАР ИЧРА ШАҲАР БЎЛГАЙ...

**Муҳиддин МАҒЗУМОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Наманган шаҳри гуллар диёри ва олиму фузалолар маконидир. Шу кунларда у ўзининг ана шундай мафтункор жозибасини бутун жаҳонга намойиш қилиш сари навбатдаги 62-Халқаро гуллар фестивалига қизғин тараддудланиб, янада ороланмоқда, безанмоқда.**



Шунингдек, шаҳарнинг меъморий қиёфасини янада яхшилаш ва ободонлаштириш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш ҳамда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, замонавий бизнес, молиявий инфратузилмаларни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 мартдаги "Наманган шаҳрида "Янги Наманган шаҳарчаси" замонавий ишбилармонлик маркази ва турар жойлар комплексини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси доирасида Наманган шаҳри Давлатобод туманидаги жами 1203 гектар ер майдонда уч босқичли улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.



## МУҲТАШАМ БИНО-ИНШООТЛАР

Янги Наманган шаҳарчаси ҳудудидаги 33 та турар жой биноси, 2 та олий таълим муассасаси ва 1 та умумий ўрта таълим мактабини қуриш учун ер майдонлари www.e-auksion.uz савдо платформасига электрон онлайн аукционга чиқарилди. Аукцион якунларига кўра, жами 24 та турар жой объекти ҳамда 1 та олий таълим муассасасини қуриш ҳуқуқини қўлга киритган ғолиблар аниқланди. Кўп қаватли уй-жойлар, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш ишларига малакали хорижий мутахассис ҳамда консультантлар жалб қилинди. Илғор хорижий технологияларнинг жорий этилиши таъминланди. Шаҳарча қурилишида "Hua CHeng Estate Development", "Статус Бест Строй", "New City New Home" МЧЖ, "Жаҳон қурилиш таъмирлаш", "Оромгоҳ қурилиш сервис", "Сардорбек Арслонбек" МЧЖ, "Mega Aziya Dizayn Stroy" МЧЖ каби соҳада илғор корхоналар иштирок этди.

Шаҳарча қурилишининг иккинчи босқичида Ибрат номли хорижий тиллар университети ҳамда Наманган муҳандислик-технология институтининг талабалар турар жойи қад ростлайди. Айни пайтда қурувчи ташкилотлар томонидан 9 қаватли турар жой объектида пойдевор қуйиш ишлари якунланиб, 1-қаватига арматура тўқиш амалга оширилмоқда. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Янги Наманган шаҳарчаси ҳудудида кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши муносабати билан ер майдони остида захоб сувларни қўчириш мақсадида закан ва зовурларни ковлашга Мингбулоқ ҳамда Уйчи туманларидан "Samsung" занжирли экскаваторлар жалб этилди. 2023 йил 18 февралдан бугунгача 325 метр масофада янги закан кавланиб, 683 метр жойдаги эскиси кенгайтирилди.

## ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ

Янги Наманган шаҳарчасида 3175 метр (қиймати 70,2 миллиард сўм бўлган) автомобиль йўлини қуриш лойиҳаси асосида бугунги кунгача 35 миллиард сўмлик ер ишлари бажарилиб, йўлнинг икки қирғоғига бетон лотоклари ўрнатилди. Ўнг қисми бетон қопламалар билан ажратилиб, 1300 метр қисмига бетон қуйилди. Апрель ойидан бошлаб 4Р-117 автомобиль йўли билан 4Р-112 автомобиль йўли кесишадиган 1300 метр қисми ўнг томонига бетон қуйиш ишлари давом эттирилмоқда.

– Вилоятимизда мустақиллик йилларида биронта янги йўл қурилмаган, бу биринчиси, – деди "Наманган йўл қурилиш дизайн савдо" МЧЖ иш юритувчиси Илҳомжон Мирзаев. – Бугунги кунда 60 нафар ишчи-мутахассис ходим ва 4 та грейдер, 4 та каток, экскаваторлар, юк ташувчи ҳамда бошқа махсус транспорт воситаларидан иборат жами 45 та техника йўл қурилишига жалб қилинган. 4Р-117 билан 4Р-112 йўли бир-бирига уланяпти. Ҳозирда йўлнинг салкам 1000 метр қисмига бетон қоплама ётқизиш ишларини жадал давом эттиряпмиз.

Янги Наманган шаҳарчасида кўп қаватли турар жойлар, бошқа ижтимоий аҳамиятга молик коммуникация тармоқлари ҳамда мажмуалар қурилади. Шунга мос равишда йўллар ҳам замонавий стандарт ҳамда технологик талабларга мувофиқ бўлиши керак. Кенглиги 52 метр, шундан 26 метри қатнов қисми, 4 метри гулхона, 7 метри иккинчи даражали (карманка) йўл бўлади ва 3 метр велосипед учун ҳамда қолгани пиёдалар йўлакчасидир. Асосий йўлнинг қалинлиги жами 32 сантиметр бўлса, шундан 20 сантиметри бетон қатламли ва 12 сантиметри асфальт бўлади. Бир сўз билан айтганда, жаҳон стандартларига монанд йўл қурилади. Шу йилнинг сентябригача йўл қурилиши жараёнини якунлаш режалаштирилган.



O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№35 (688) 2023 йил 2 май

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

# Янги меморандум – янги ислоҳотлар




**Мамлакатимизда кўп квартирали уйларнинг марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш, энергиятежамкор технологияларни кенг жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш мақсадида қозонхона, иссиқлик тармоқларида модернизация ва реконструкция қилиш, янгидан қуриш ишлари давом эттириляпти. Мазкур жараёнга хорижий инвестиция маблағларини жалб этиш, шу билан бирга, тизимни жаҳон стандартлари асосида шакллантириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Жорий йилнинг 27-28-апрель кунлари пойтахтимизда мамлакатимиз халқаро алоқаларининг мустаҳкамланиши ва ҳамкорлик географиясини кенгайтиришга хизмат қилувчи иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми мазкур йўналишдаги яна бир муҳим ислоҳот ибтидосига замин ҳозирлади.

Форум доирасида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Саудия Арабистони Қироллигининг "Мовах" компанияси билан давлат-хусусий шериклик асосида янги лойиҳани амалга ошириш бўйича англашув меморандуми имзоланди. Лойиҳанинг мақсади – Урганч шаҳри аҳолисининг иссиқлик таъминотини яхшилаш, ҳудудга энерготежамкор технологияларни кенг татбиқ этишдан иборат. Лойиҳанинг баҳолаш ҳужжати ва концепцияси 2023-2024 йилларда ишлаб чиқилиши маълум қилинди. Шунингдек, лойиҳа қуввати 40 МВтни ташкил этиши кутилмоқда.

# Халқаро ҳамкорлик янги босқичда

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева бошчилигидаги мутасаддилар Европа молиявий режалаштириш ассоциацияси раиси Марта Геллова билан учрашди. Учрашувда шунингдек, "Туронбанк" бошқаруви раисининг ўринбосари Шаҳло Ибрагимова ҳамда банк ходимлари ҳам иштирок этди.**




Молия соҳасида катта тажрибага эга бўлган Марта Геллова Европа малакавий кўрсаткичига мувофиқ мутахассисларни сертификатлаш ва молиявий таълим бериш йўналишлари ҳамда бунда Европа молиявий режалаштириш ассоциацияси фаолияти бўйича маълумот берди. Ассоциация халқаро миқёсда молиявий стандартларни ишлаб чиқиши билан ҳам Европа иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Мазкур стандартларнинг 80 фоизи дунё мамлакатларида ўзгаришсиз қўлланилиб келинади. 20 фоизи турли давлатлардаги иқтисодий шартлардан келиб чиққан ҳолда ўзгариши мумкин.

Хусусан, ассоциация бугунги кунда глобал мавзуга айланаётган "Яшил энергетика" йўналишига ҳам алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

Мулоқот давомида Европа молиявий режалаштириш ассоциацияси раиси ёшларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, бунда Чехиянинг миллий таълим стратегиялари ҳақида тўхталиб ўтди. Соҳага дахлдор учрашув қатнашчилари мутахассисдан ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Учрашув сўнгида иқтисодий саводхонлик бўйича ходимларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш юзасидан ҳамкорлик лойиҳаларини режалаштиришга келишиб олинди.

# Туманларни ўрганиш давом этмоқда

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси вакиллари Тошкент вилояти Тошкент туманида бўлиб, кўп қаватли уйлар ҳолатини ўрганди.**



Тошкент туманида 45 та кўп қаватли уй мавжуд. Вазирлик мутасаддилари кўп қаватли уйлардаги умумий коммунал ҳолатни ўрганишди. Хусусан, уйлар атрофининг ободлиги, кириш йўлаклари, ертўла қисмидаги муҳандислик тармоқлари кўздан кечирилди. Мавжуд масала ва камчиликларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилди. Шунингдек, аҳоли билан суҳбатда бўлиб, уларнинг коммунал хизмат кўрсатиш ҳамда ресурслар билан таъминлаш соҳасидаги муаммолари кўздан кечирилди.

Мутасаддилар туманда фаолият юритувчи бошқарув ташкилотлари фаолиятини ҳам ўрганишди. Аҳоли учун зарур, аммо бошқарув ташкилотлари эътиборидан четда қолаётган жиҳатлар қаттиқ танқид остига олинди. Вазир ўринбосари томонидан БСК вакилларига аҳоли билан ишлашда профессионалликни ошириш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, мутасаддилар иштирокидаги кейинги ўрганиш манзили Тошкент вилоятининг Қибрай тумани бўлди. Туманда жами 192 та кўп қаватли уй мавжуд, уларнинг 24 таси бошқарувга эга бўлмаган уйлар ҳисобланади. Қолган уйларга 2 та БСК ҳамда 3 та уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан хизмат кўрсатилиб келинади. Рақамлардан кўринадики, ҳудудда коммунал муаммолар етарлича. Соҳа масъуллари билан муаммоларни тизимли ўрганиш ва бартараф этиш чоралари муҳокама қилинди. Жараёнга бор имкониятларни ишга солган ҳолда жиддий ёндошиш лозимлиги таъкидланди.

Мутахассислар тумандаги "Янги авлод" маҳалласида ҳам бўлдилар. Мазкур маҳалла Қибрай туманининг Қозоғистон билан чегарадош ҳудуди ҳисобланади. Маҳаллада жами 15 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларга "Янги авлод" уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан хизмат кўрсатиб келинади. Аҳоли билан суҳбатда келиб тушган таклифларга асосан, мазкур ширкатни бошқарув ташкилотига ўзгартириш имконияти кўриб чиқилди. Шунингдек, фуқароларнинг соҳага оид бошқа мурожаат ва таклифлари қабул қилиниб, амалий кўмак берилиши бўйича зарур вазифалар белгиланди.

# "Veolia Energy Tashkent" аҳолига қулайлик яратяпти

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 8 февраль куни Тошкент шаҳрига ташрифи чоғида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан "Veolia Energy Tashkent" МЧЖ ХК билан ҳамкорликда "Шаҳардаги 300 километр узунликдаги магистрал иссиқлик тармоқларини янгилаш ва йўқотишларни 5 фоизга камайтириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланган.**



Пойтахтимизда иссиқлик таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида "Veolia Energy Tashkent" томонидан "Йўл харитаси" асосида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 5,96 километр узунликдаги иссиқлик тармоқлар янгисига алмаштирилди, 104 дона қозонда жорий таъмирлаш ишлари бажарилди, 5,8 километр узунликдаги иссиқлик тармоқларида иссиқлик изоляция қопламаси қайта тикланди, 4 дона насос станциялари жорий таъмирдан чиқарилиб, 239 дона зулфин янгисига алмаштирилди, 790 дона ҳаводан ўтган иссиқлик қувурларининг устунларини бўяш ишлари бажарилди.

"Йўл харитаси"да белгиланган ишларни бажариш муддати 2023 йилнинг 1 октябри этиб белгиланган.

# "Иннопром. Марказий Осиё–2023" халқаро саноат кўргазмаси бўлиб ўтди

**Пойтахтимиздаги "O'zekspomarkaz" МКМда бу гал нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун салмоқли инвестициявий, иқтисодий ва саноат истиқболини очиб берган "Иннопром. Марказий Осиё–2023" халқаро саноат кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда МДҲ давлатлари, Франция, Италия, Нидерландия, Ҳиндистон, Сингапур, Хитой, Япония, Арманистон, Қозоғистон, Туркия ва Туркманистондан 5 мингдан ортиқ делегатлар, шунингдек, 300 дан ортиқ хорижий компаниялар, бизнес вакиллари ва ҳукумат аъзолари қатнашди.**








Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Россиянинг Саноат ва савдо вазирлиги томонидан ташкил қилинди. Турли мамлакатларнинг компания, кичик ва ўрта бизнес вакиллари ўз маҳсулотлари билан иштирок этган тадбир доирасида икки ва кўп томонлама ҳамкорликка доир кенг кўламли масалаларни қамраб олган конгресс, B2B учрашувлар, давра суҳбатлари ҳам ўтказилди.

Кўргазма экспозициясининг умумий майдони 14 500 квадрат метрдан ортиқ бўлиб, ўтган йилга нисбатан кўргазма 25 фоизга ўсди. Халқаро саноат кўргазмасида машинасозлик, металлургия, ахборот технологиялари, энергетика ечимлари каби саноат тармоқларидан кўплаб компаниялар иштирок этди. Хусусан, Россия кўргазмасида Россиянинг 70 та ҳудудидан 281 та иштирокчи қатнашди. 17 та вилоят ўз жамоавий экспозицияларини намойиш этди, яна 26 та субъект ҳокимият вакиллари иштирокида делегациялар юборди. Кўргазма доирасида россиялик иштирокчилар камида 51 та ҳужжат, жумладан, Россия ва Ўзбекистон ҳудудлари ўртасида савдо-саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича келишувлар ҳамда компаниялар ўртасида турли жиҳозларни етказиб бериш бўйича шартномалар имзолашди. Ўзбекистонда биринчи мустақил инфратузилма операторини яратиш бўйича келишувларга эришилди.

Шунингдек, тадбирда Қозоғистон Республикаси саноат ва инфратузилмани ривожлантириш вазири Марат Карабоев, Тожикистон Республикаси саноат ва янги технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари Исожон Қурбонзода, шунингдек, ривожланиш институтлари, уюшмалар ва йирик компаниялар раҳбарлари ҳам қатнашди.

**Ўз мухбиримиз.**

# "Ташаббусли бюджет" фаоллари тақдирланди

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигида "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали эълон қилинган "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг 2023 йилнинг 1-мавсумида фаол иштирок этган ҳоким ёрдамчилари ва фуқароларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**




Тадбирда сўзга чиққанлар "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси йилдан-йилга фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилашда тезкорлик билан натижага эришиш мумкин бўлган ҳамда барча фуқаролар фойдаланиш имконияти яратилган қулай механизм сифатида шаклланиб бораётгани ҳақида таъкидлашди. Ўтган 2021-2022 йиллар давомида "Ташаббусли бюджет" лойиҳалари учун давлат бюджетидан қарийб 3,0 трлн сўм маблағ йўналтирилди. Мазкур маблағлар доирасида жами 5 730 та лойиҳа ғолиб деб топилиб, тўрт мингта яқин маҳаллада ижтимоий муаммолар бартараф этилишига эришилди. Хусусан, 2,5 мингдан ортиқ мактаб, боғча ва тиббиёт ташкилотлари таъмирланди ва жиҳозланди. 1500 га яқин кўчалар асфальтланиб, йўллар тартибга келтирилди ва 300 га яқин маҳаллаларда ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

"Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг жорий йилги 1-мавсуми 2023 йилнинг 6 февралидан бошланди. Мавсум доирасида 9 441 та маҳалла фуқаролари томонидан жами 55 минг 970 та лойиҳа келиб тушди. Шундан, 33 минг 700 та лойиҳа овоз бериш жараёнига ўтказилди. Овоз бериш жараёнида ички йўлларни таъмирлаш йўналишида 10,4 мингта, умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича 5,3 мингта, кўча чироқларини ўрнатиш ҳамда электр энергия таъминоти билан боғлиқ лойиҳаларга 4,5 мингта, мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича 2,5 мингта, тиббиёт ташкилотлари бўйича 1,4 мингта лойиҳа илгари сурилди. Бу йилги ташаббусли бюджет лойиҳаси овоз бериш босқичида республика бўйича 16 млндан ортиқ юртдошимиз (жами аҳоли сонига нисбатан 45 фоиз) овоз беришди.

Овоз бериш якунларига кўра, "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"га йўналтирилган маблағлар доирасида 1 419 та маҳаллада умумий қиймати 1,5 трлн сўмни ташкил этган жами 1 666 та лойиҳа ғолиб деб топилди. Ушбу лойиҳалар учун фуқаролар томонидан жами 7,7 млн.дан ортиқ овоз берилди. Шунингдек, фуқаролар фаоллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги "Ташаббусли бюджетлаштириш амалиётини янада такомиллаштириш ҳамда фаол маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-117-сон қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2023 йил биринчи мавсум доирасида ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 1 309 та лойиҳани амалга ошириш учун қўшимча равишда 1,3 трлн сўм маблағ ажратилиши белгиланди. Якуний натижаларга кўра, умумий қиймати 2,8 трлн сўмни ташкил этган жами 2 997 та лойиҳа ғолиб деб топилди.

Тадбирда нафақат ҳоким ёрдамчилари, балки ОАВ вакиллари ҳам иштирок этиб, танлов ҳақидаги фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришди.

– Авваллари бюджетдан 100 миллион олишнинг ўзи бўлмасди, – деди навоийлик ғолиблардан бири, Навбаҳор тумани Тиббиёт бирлашмаси раҳбари Ферузбек Ўсаров. – Ҳозир эса 3 мавсумдан бери қатнашиб, бир неча миллиард маблағни ҳеч қандай бюрократиясиз ютиб олишга эришдик. Шунинг ўзиёқ лойиҳа амалда ўзини оқлаганини кўрсатмоқда.

Тадбир якунида лойиҳада фаол қатнашган ҳоким ёрдамчилари ва фуқаролар эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

# “Янги Тошкент меъморий қиёфаси лойиҳаси” танлови қизғин руҳда ўтмоқда

**Муродбек ҲАЙДАРОВ,** ЎзЖОКУ талабаси.

**“ТошкентбошпланЛИТИ” давлат унитар корхонасида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Ҳаётлаб жамоаси томонидан 2021 йил якунида старт берилган “Янги Тошкент меъморий қиёфаси лойиҳаси” танловининг 1-босқич саралаш натижалари эълон қилинди. Уни бунёд этишдек муҳим тарихий жараёнга муносиб ҳиссасини қўшишга шай иқтидор эгаларини “Ҳаёт” лабораторияси яна бирлаштирди. Мазкур саралашда 30 фоиз ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлган иштирокчилар кейинги, ҳал қилувчи босқичга йўл олишди.**














Инновациялар ва ижодкорлик, дизайн, келажак авлод туризми, янги бизнес ва иқтисодий имкониятлар шаклланадиган, табиий меросни сақлаб қолган ҳолда ақлли шаҳар ёндашувининг амалдаги ёрқин ифодаси бўлиши кутилаётган “Янги Тошкент” лойиҳаси ҳаёт сифати юқори бўлган барқарор турар-жой майдонини лойиҳалаш имконини беради. “Янги Тошкент” лойиҳаси бир томондан шаҳарнинг келажакдаги турар жой эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлса, бошқа томондан минтақавий миқёсдаги янги диққатга сазовор марказни яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

– Ушбу танловда уч йўналиш бўйича лойиҳачилар ўз ишларини тақдим этишди, – деди “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК шаҳарсозлик ва илмий лойиҳалар бўйича бош директор ўринбосари Саидазим Шарипов. – Ўтмиш билан келажакни боғлайдиган “Тарих” ўқи, ривожланаётган Ўзбекистон пойтахтининг туризм салоҳиятини оширадиган “Туризм” ўқи ва ўзида янги авлод университетлари ҳамда янги авлод тадбиркорлик шаҳарчаларини жамлайдиган “Технология” ўқи. Тақдим этилган ишларнинг сони кўплиги ва уларни кўриб чиқиш кўп вақт талаб қилиши ҳисобига икки босқичда сараладик. Биринчи босқичда – лойиҳалар танловнинг умумий шартларига мос ҳолда бажарилгани бўйича ажратилиб, шу талаблар асосида баҳоланди. Бугунги тадбирда биринчи босқич саралашдан ўтган иштирокчиларнинг ишлари кўрсатиб ўтилди. Танловга 81 та иш топширилган бўлиб, талабларда кўрсатилган ҳар бир шартларга кўра мезонларга ажратган ҳолда баҳоланди.

– Биз бу танловга тақдим қилган лойиҳамизда “Технология” ўқини танлаганмиз, – деди 2-босқичига ўтган архитектор Исломбек Ўрозбоев. – Яъни, “Янги Тошкент” ҳудудининг марказида янги авлод университетлари ва янги авлод тадбиркорлик шаҳарчалари жойлашади. Бундан ташқари, у ерда IT мактаблари, тадқиқот марказларининг бинолари ҳам бўлади. Бир сўз билан айтганда, бу ўқда ёшлар, тадқиқотчилар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун кенг имкониятлар яратилади. Шунингдек, биз таклиф қилаётган лойиҳамизда замонавий ва миллий архитектура шаклларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилдик.

Танловда қатнашганларнинг лойиҳалари бир қанча талаблар асосида шаҳарсозлик лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этган соҳа экспертлари, мутахассислар ва профессорлар ҳайъати томонидан баҳоланди. Лойиҳачилардан 20 минг гектарга эга “Янги Тошкент” ҳудуди учун асосий кутилаётган натижа – кейинги давр келажаги ва иқтисодиётини ҳисобга олган ҳолда “стратегик макон тузилишини” ишлаб чиқишларидир.

# Равон йўллардан кўркам манзиллар сари

**Дунёнинг энг ривожланган давлатлари ҳам аввало, мамлакатдаги мавжуд йўллар созлиги ва мустаҳкамлигига эътибор қаратар экан. Чунки ҳар қандай манзилга албатта, равон ва қулай йўллар орқали борилади. Шу боис, йўллар созлиги ҳар доим, ҳар жойда энг аҳамиятли масала бўлиб келган.**



Айни пайтда Бухоро вилоятининг шаҳар ва туманларида ҳам йўл таъмирига доир мурожаатлардан келиб чиқиб, биринчи галда манзилли таъмирлаш, йўл ҳолатини яхшилаш, асфальт, бетон ётқизиш, шағаллаштириш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Бу борада вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармаси ҳамда “Бухоро йўллардан мунтазам фойдаланиш” унитар корхонаси томонидан жойларда аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган кўчаларда таъмирлаш-тиклаш, пиёдалар йўлакларини қуриш, йўловчи ва ҳайдовчиларга қулайлик яратиш каби ишларга эътибор кучайтирилган.

– Ўтган 2022 йилда вилоят миқёсида “Обод қишлоқ” ҳамда “Обод маҳалла” давлат дастурлари асосида умумий узунлиги 380 километр ички йўлни таъмирлаш мақсадида маҳаллий бюджет ҳисобидан 120 миллиард сўм маблағ ажратилган, – деди “Бухоро минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонасининг ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиғи Дилмурод Қурбонов. – Бу борада барча куч ҳамда воситаларни ишга солган ҳолда белгиланган манзиллардаги ишларни тўла-тўкис якунига етказиб, равон йўлни фойдаланишга топширдик. Жорий йилдан эса вилоятдаги маҳалла ва қишлоқлар ички кўчаларини ўрганган ҳолда умумий узунлиги 1 минг 335 километрга тенг умумфойдаланувдаги йўлни қуриш ва таъмирлаш ишлари учун умумий қиймати 772 миллиард сўм маблағ молиялаштирилган. Жойлардаги амалий ҳаракатни дастлабки ойданоқ бошлаб юборганмиз. Айтиш жоизки, бу иш ҳажми ўтган йилги лойиҳалардан уч баробарга кўп деганидир. Шунга қарамасдан, жорий йилнинг шу кунига қадар йўлсозлар меҳнати билан вилоят шаҳар ва туманларида белгиланган ички автомобиль йўлининг 896 километр қисми таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Бу умумий иш ҳажмининг айни пайтда 66 фоизини ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, йўлсозлар томонидан ўтган ойлардан автомобиль ҳаракати тиғиз бўлган шаҳар атрофи катта йўлларида ерости пиёдалар туннелларини қуришга эътибор қаратилган. Жумладан, бу борада Бухоро шаҳрида амалга оширилган лойиҳалардан бири сифатида “М-37” –“Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши” автомобиль йўлининг 264-километри ёки “Карвон” буюм бозори олдидан ўтувчи ер ости ўтиш йўлининг қуриб, битказилиб, фойдаланишга топширилганини айтишимиз мумкин. Янгича андозадаги мазкур ерости туннели тажрибали мутахассис Мурод Бердиев раҳбарлигидаги “Бухоро йўллардан мунтазам фойдаланиш” унитар корхонаси бунёдкорлари томонидан амалга оширилди. Пиёдалар ер ости ўтиш йўлининг узунлиги 32 метр, кенглиги 4,5 метр, баландлиги 2,5 метрдан иборат бўлиб, унинг қурилишида 250 куб метр бетон, 20 тонна арматура, 1000 метр квадрат гранит ва бошқа қурилиш материаллари ишлатилган.

Ҳозирда мазкур ерости йўлидан унча узоқ бўлмаган яна бир манзилда, “М-37” автомобиль йўлининг Бухоро тумани “Работак” МФЙдан ўтувчи қисмида худди шундай, яна бир ерости йўли қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

Умуман, йўлсозлар томонидан вилоятда 52 километр масофада бетонлаштириш, 580 километр асфальтлаштириш ва 268 километр узунликдаги шағаллаштириш ишлари манзилли битказилиб, фойдаланишга топширилгани маҳалла ҳамда қишлоқлар аҳолиси учун катта қулайлик яратмоқда. Қолаверса, ўтган йилги бажарилган ишлар, йўл қурилишига доир ўтказилган тендер танловларидан иқтисод қилишга эришилган қиймати 90 миллиард сўм маблағ ҳисобидан вилоят миқёсида қўшимча 150 километрга тенг ички йўл таъмири лойиҳалаштирилгани ҳам қувонарли, албатта. Жорий йилги режа эса шаҳар ва туманлар миқёсида 1 минг 500 километрга етказилган. Шу йилнинг ўтган уч ойида жойларда йўлсозлар жамоалари томонидан 368 та йўл иншоотидан 54 тасида белгиланган ишлар тўла-тўкис адо этилиб, равон йўллар фойдаланишга топширилган.

Меҳнаткаш йўлсозлар йўллар қурилиши ва таъмирланиши билан бир қаторда вилоятдаги эскириб қолган кўприкларни янгилашга ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Хусусан, Жондор тумани “Хосакори” МФЙда катта захкаш устига ўрнатилган осма кўприк ўтган асрнинг 60-йилларида қўлбола усулда қурилган. Маҳаллий аҳоли гарчи аллақачон эскириб, яроқсиз ҳолга келган бўлсада, йўлни қисқартириш мақсадида шу кўприкдан ўтиб-қайтишар эди. Ҳақли эътирозлардан сўнг, ниҳоят, бу кўприк ёнидан темир-бетон конструкцияли, мустаҳкам кўприк қурилиши бошлаб юборилди. Бунинг учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 330 миллион сўм маблағ ажратилиб, бу ишда Ромитан туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси жамоаси жонбозлик кўрсатди. Яқинда мазкур кўприк фойдаланишга топширилди.

– Шу ҳудуддаги Қозикенти, Жанафар, Умархўжа қишлоқларининг қарийб 3 мингга яқин аҳолиси бу кўприкдан кундалик фойдаланиб келади, – деди маҳалла оқсоқоли Обид Бекназаров. – Болаларимиз мактабга, катталаримиз ишга, бозор-ўчарга қатнашини кўриб, нураб, тўкилай деб турган афтодаҳол кўприкдан жуда хавфсираб қолгандик. Йўлчилардан миннатдормиз, бизга замонавий, пишиқ кўприкни қуриб беришди. Эндиликда маҳалла ва туман марказига ўтадиган йўлимиз 2,5 километрга қисқарди.

Демак, йўллар равонлашса, диллар ҳам шодланиб, аҳолининг ҳаётидан розилиги ҳам ортади. Бугун ҳудудларда барпо этилиб, таъмирланаётган йўлларни ҳам бир сўз билан кўркам манзилларга элтувчи бир восита десак, асло муболаға бўлмайди.

**Ўз мухбиримиз.**

**СИРДАРЁДАН ДАРАКЛАР**

## Мармар тош ишлаб чиқарувчи корхона

**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,** Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Ахборот раҳбари.

**Сирдарё туманидаги мармар тош ишлаб чиқаришга мўлжалланган “MODERN MARBLE” МЧЖ жорий йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, лойиҳа қиймати 2,3 млн АҚШ долларини ташкил этади.**

Бу ерда йилига 110 минг квадрат метр барча турдаги мармар тошлар ишлаб чиқарилади. Шунингдек, мармар тошидан ҳар хил буюмлар ҳам тайёрланади. Эътиборлиси, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 45 фоизи экспортга йўналтирилган бўлиб, Хитой ҳамда МДҲ давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган.

## Дастурлар доирасида маҳаллалар чирой очмоқда

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-408-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятдаги маҳаллаларда қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.**



Хусусан, Гулистон туманининг 1-сектор ҳудудига қарашли Мевазор маҳалласида бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Узунлиги 985 метр бўлган Қизғалдоқ кўчасининг 750 метр қисми асфальт билан қопланди. Ҳозирда кўчанинг қолган қисмида асфальтлаш ишлари давом этмоқда. Таъмирлаш ишларига 7 нафардан зиёд ишчи кучи ва 3 та махсус техника жалб қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги 408-сонли қарорига асосан, Сайхунобод туманининг бир қатор маҳаллаларидаги 13 та кўчада аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида жами 9,6 километр узунликдаги асфальт ётқизиш ишлари режалаштирилган. Шундан, Шодлик маҳалласида 2,9 километр ҳамда “Иттифоқ” маҳалласида 6,7 километр узунликдаги асфальт ётқизиш ишлари тўлиқ бажарилди. Шу билан бирга, аҳолини тўлиқ тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида, Сайхунобод туманининг 3 та маҳалласидаги 17 та кўчада ичимлик сув қувурларини янгидан тортиш режалаштирилган. Ҳозирда Пахтаобод маҳалласида 7,4 километр ҳамда Пахтакон маҳалласида 4,6 километр узунликдаги сув қувурларини тортиш ишлари бажарилди. Шунингдек, Олғабос маҳалласидаги сув қувурларини тортиш ишлари ҳам авжида.

Бунёдкорлик ишлари Боёвут туманидаги Қарапчи маҳалласининг ҳам бир қатор кўчаларида аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида асфальт қоришмаси билан қоплаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 августдаги 435-сонли қарори ижроси юзасидан Йўл-транспорт инфратузилмаси тизимини яхшилаш мақсадида Равот маҳалласининг бир қанча кўчалари асфальт билан қоплаб чиқилди.

## Мурожаат ўрнида ҳал этилди

**Сирдарё туманининг Дўстлик маҳалласи ҳудудида жойлашган 20- ва 70-кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи мулкдорларнинг Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясига қилган мурожаати жойига чиқиб ўрганилди.**

Ўрганиш давомида 20-уйнинг туташ ҳудуди тадбиркор томонидан ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда ўраб олиниб, фойдаланилаётгани аниқланди. Инспекция ходимлари томонидан тадбиркорга тушунтириш ва огоҳлантириш берилди. Шунингдек, 70-уйнинг марказий оқова сув (канализация) қувурларида носозликлар содир бўлиши оқибатида уйнинг туташ ҳудудларига сув тошиши юзага келган. Инспекция томонидан махсус техникалар жалб қилиниб, юзага келган оқова сувлар Эласос махсус машинаси ёрдамида тозалаб берилди.

## “Янги Ўзбекистон” массивида семинар

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32-сонли Фармонига асосан, Янгиер шаҳрида бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Сирдарё вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси қошидаги Сирдарё архитектура ва қурилиш техникумининг ўқувчи ёшлари иштирок этишди.**

Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Азиз Худайназаров ўқувчи-ёшларни массивнинг қурилиш жараёни ва лойиҳаси билан таништирди. Шунингдек, янгидан қурилаётган кўп қаватли уйлар ҳамда атрофдаги ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, 100 қатновга эга оилавий шифохона, 25 ўринли меҳмонхона, 990 ўринли умумтаълим мактаби ва 180 ўринли болалар боғчаси келгусида ушбу уйларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг фарзандлари таълим олиши учун яратилаётган замонавий қулайликларга эга бўлиши тўғрисида маълумот берилди.

Семинар давомида “Янги Ўзбекистон” массивида 2024 йилга қадар 50 та 1000 хонадонли замонавий қулайликларга эга бўлган кўп қаватли турар жойлар қуриш режалаштирилган бўлиб, биринчи босқичда 20 та 5 қаватли 400 хонадонли янгидан бунёд этилаётган замонавий қулайликларга эга кўп қаватли турар жойлар ҳақида ўқувчи ёшларга тушунтириш берилди. Қолаверса, ҳар бир кўп қаватли турар жойларда энергияни тежаш мақсадида кенг қўлланилиб келинаётган қуёш панели ҳамда қуёш иситгичларининг афзалликлари ва қулайликлари тўғрисида маълумотларга эга бўлишди.

Шунингдек, тадбир давомида кўп қаватли уйларнинг ички тармоқларида амалга ошириладиган қурилиш-монтаж ишлари ҳам кўздан кечирилди. Жумладан, ичимлик суви ва оқава сув қувурларини тортиш, иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида қозонхоналар фаолияти ўрганилиб, ўқувчи ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№35 (688) 2023 йил 2 май

# 17 ТА МАҲАЛЛАДА ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНДИ



**Соҳиба РУСТАМБОЕВА, журналист.**

**Маълумки, барқарор ва сифатли энергия таъминоти мамлакат иқтисодий ривожланишининг муҳим шартларидан биридир. Шу боис кейинги йилларда тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ҳудудларда электр энергияси етказиб бериш сифати яхшиланмоқда. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қатор ҳужжатлар эса бу борадаги ишларни тизимли олиб боришда дастуриламал вазифасини ўтамоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш орқали аҳолига қулай шароитлар яратиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ Хоразм ҳудудий филиали томонидан белгиланган дастур асосида жойларда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Хоразм вилояти шаҳар ва туманларида янгидан электр тармоқлари қурилиши, юклама билан ишлаб келаётган трансформаторлар янгиларига алмаштирилиши натижасида маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларнинг барқарор электр энергиясига бўлган талаби қондирилмоқда. Бу борадаги ишлар самарадорлиги тадбиркорлик субъектлари учун захира манбалари яратилишига ҳам хизмат қилаётир.



Биргина Урганч шаҳридаги Гулзор маҳалласида эски ёғоч устунлар ўрнига янгидан 196 дона темир-бетон таянч ўрнатилгани, 21,2 километр узунликдаги масофада электр тармоқлари тортилиб, мавжуд трансформаторга қўшимча 250 кВАлик трансформатор пункти қурилгани юқоридаги фикрларга мисол бўла олади.

– Бизнинг маҳалла шаҳар марказидан унча узоқда бўлмаса-да, йиллар давомида электр энергияси таъминотидаги муаммолардан азият чекардик. Об-ҳаво ноқулай бўлди дегунча электр тармоғимизда узилишлар кузатиларди. Янги харид қилган маиший техникаларимиз ҳам ток кучланиши паст бўлганлиги сабабли ишламасди. Мана, маҳалламизда дастур асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Натижада, энди замон билан ҳамнафас бўлиб, замонавий маиший техникалардан бемалол фойдаланишимиз мумкин, – деди маҳалла фаоли Рахимбой Собуров.

Дарҳақиқат, ҳудудда электр тармоқларида амалга оширилган реконструкция ва модернизация ишлари натижасида бу ерда истиқомат қилаётган 533 та хонадон истеъмолчиларига электр энергияси етказиб бериш сифати ортди. Бу эса соҳа ходимлари томонидан халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар тизимли олиб борилаётгани, тасдиқланган манзилли дастур бўйича паст кучланишли трансформатор пунктлари ва электр тармоқларини модернизация қилиш, янгилаш ва янгисини қуриш ишларига алоҳида аҳамият қаратилаётганидан далолатдир.

– Юқоридаги дастурга асосан вилоятимизнинг 17 та маҳалласида лойиҳа-смета ҳужжатларига киритилган 81,8 километр электр узатиш тармоқлари ва 20 дона турли кучланишдаги трансформатор пунктлари янгидан қурилди, – деди "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ Хоразм ҳудудий филиали директори Суҳроб Берегин. – Бу каби ишлар, пировардида 2000 га маҳаллий истеъмолчининг электр таъминоти яхшиланишига имкон яратди.

# Тадбиркор қурган цемент завод

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** "O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Президентимизнинг топшириғига кўра, захирадаги маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётгани натижасида қурилишлар учун зарур бўлган материалларнинг асосий қисми ҳозирда ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг сифати ва чидамлилиги хорижникидан қолишмайди. Муҳими, улар камхаржлиги билан қурилиш ташкилоти вакилларига маъқул келяпти.**



Давлатимиз томонидан яратиб берилган шароит ва имтиёзлардан фойдаланиб, ўз фаолиятини шакллантирган Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида яшовчи Миразиз Мақсудов ҳам вилоят ҳудудларида қурилаётган иншоотларда ўз ҳиссаси бўлишини мақсад қилган тадбиркорлардан бири. Инвестиция лойиҳасининг умумий қиймати 60 миллион АҚШ долларидан иборат бўлган ва тўрт йил аввал ташкил қилинган "Surxonsementinvest" хусусий корхонаси бугунги кунда мақсадини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш керакки, тадбиркор заводни ишга тушириш аввалида Россия, Австрия, Германия ҳамда Хитой давлатларидан замонавий энергиятежамкор технологияларни келтириб ўрнатди.

Ўзи яшайдиган маҳалла ва ён-атрофдаги қишлоқлардан 400 нафардан ортиқ йигит-қизларни корхонасига жалб қилиб, уларни янги техника ва технологияларни бошқаришга ўргатди. Бугунги кунда ана шу ёшларнинг меҳнатлари ҳисобига заводда ишлаб чиқарилаётган М-450, М-500 маркали цемент турлари вилоятнинг туман ва шаҳарларида қад ростлаётган иншоотларга шартнома асосида етказиб берилмоқда.

Шуни ҳам айтиш жоизки, мазкур корхона ишлаб чиқариш фаолиятини юз фоиз муқобил энергия, яъни, кўмир маҳсулоти билан амалга ошираётир. Бундан ташқари, унинг экологияга таъсирини камайтириш мақсадида замонавий фильтрлар ўрнатилган бўлиб, улар доимий равишда мутахассислар томонидан назорат қилиб борилади. Корхона фаолиятини янада кенгайтириш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш юзасидан айни пайтда янги лойиҳалар устида изланишлар олиб борилмоқда.

**ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҒИ АМАЛДА**

# Уй-жойга эҳтиёж қолмайди

**Президентимиз ўтган йили Тошкент вилоятининг маркази Нурафшон шаҳрига ташрифи давомида "Менинг биринчи уйим" дастурини амалга ошириш таклифини берган эди. Ўтган вақт давомида бу борада аҳолига қулайлик яратиш борасида тегишли чоралар кўрилди.**

Президентимиз раислигида 5 апрель куни янги уй-жойлар қурилиши ва 2023 йилги ипотека дастури бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Зангиота туманида "Менинг биринчи уйим" номли янги массив Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги дирекцияга топширилди.

Ушбу массивнинг режасида мактаб, боғча, тиббиёт муассасаси ва аҳоли учун зарур бўлган бошқа масканлар қурилади. Бу тумандан ажратилган жами 36 гектар ер майдонига, 2500 оилага мўлжалланган, қулай ва энергия тежамкор 58 та кўп қаватли уй-жойлар барпо этилиши ҳам белгиланган. Массив фойдаланишга топширилиши натижасида пойтахтга яқин бўлган – Зангиота, Тошкент, Янгийўл тумани ҳамда Янгийўл шаҳрида яшовчи аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи тўла таъминланади.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, вилоятда жорий йилда жами 137 та 6 минг 98 хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Шунда 84 та 4 минг 88 та хонадонли уйлар "Янги Ўзбекистон" массивларида қурилади. Бугунги кунда Чирчиқ шаҳрида 15 та 948 хонадонли, Олмалиқ шаҳрида 15 та 1 минг 100 хонадонли уйларнинг қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Қўшимча иккита янги массивлар эса Нурафшон шаҳри ҳамда Зангиота туманида барпо этилиши белгиланган. Жорий йил 1 июнгача 24 та, 1 октябрга қадар 53 та, 1 ноябрга қадар эса 60 та уй-жойлар тўлиқ фойдаланишга топширилади.

Таъкидлаш жоиз, ҳозирги пайтда кўп қаватли турар жой биноларини қуришда сейсмик хавфсизлик масалаларини жойларга чиққан ҳолда, махсус ускуналар ёрдамида лаборатория синовлари ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўрганишлар давомида асосий юк кўтарувчи конструкцияларнинг лойиҳавий мустаҳкамлиги таъминланмаган ҳолатларда қурилиш ишлари тўхтатилиб, демонтаж қилиниши таъминланмоқда.

Жумладан, ўтган давр мобайнида вилоят ҳудудида қурилаётган кўп қаватли уйларда 554 марта мониторинг ўтказиш ишлари олиб борилди. Натижада лойиҳачи, пудратчиларнинг масъул ходимларига нисбатан 138 та ёзма кўрсатмалар ҳамда 10 та ҳолатда маъмурий чоралар кўрилди, деб ёзади ЎзА мухбири Абдулазиз Мусаев.

2023 йил дастуридаги барча уй-жойларга энергия тежаш мақсадида қуёш панеллари ўрнатилиши белгиланиб, панеллар ва энергия тежамкор ускуналар ўрнатилмаган уй-жойларни фойдаланишга қабул қилмаслик тартиби қўлланилмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар туфайли уй-жойга эҳтиёжи бор фуқароларга қулайликлар яратилади.

**TA’LIM MUASSASALARIDA**

# SamDAQUda "Karyera kuni" o‘tkazildi

**Rayhona XO‘JAYEVA,** "O‘zbekiston bunyodkori" muxbiri.

**Mirzo Ulug‘bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish universitetida ish beruvchilar hamkorligida "Karyera kuni" mehnat yarmarkasi tashkil etildi. Ushbu mehnat yarmarkasiga 70 ga yaqin arxitektura, shaharsozlik va qurilish sohasida faoliyat olib borayotgan yirik kompaniya, ishlab chiqaruvchi sanoat, korxona va tashkilotlar tashrif buyurib o‘zlarining mahsulotlari bilan ishtirok etdilar.**



Tadbirning ochilish marosimida universitet rektori Chidem Turkyilmaz, universitet prorektorlari Murodjon Xodjabekov va Sherzod Uzokov, Davlat kadastrlar palatasi Samarqand viloyat boshqarmasi hududlar kadastrini yuritish bo‘lim boshlig‘i Bahodir Normatov, Karyera markazi tomonidan ishga joylashgan talabalardan magistrant Sulton Babayev, MKQ fakulteti 3-bosqich talabasi Mohichehra Ergasheva, MKQ fakulteti bitiruvchisi Sirojiddin Shermamatovlar so‘zga chiqib o‘zlarining iliq tilaklari hamda muvaffaqiyatlari to‘g‘risida so‘zlab berdilar.

